



ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИКДА АТОҚЛИ ОТЛАР ПРАГМАТИКАСИНИ ЎРГАНИШНИНГ БАЪЗИ НАЗАРИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ШАРҲИ

Эшқобилов А.К. PhD, профессор в.б.,
Самарқанд давлат чет тиллар институти

Обзор некоторых теоретических концепций изучения прагматики имен собственных в современном литературоведении. Исследования поэтики и прагматики имен собственных в художественном произведении является сложным трудом, и вместе с тем многогранным и новым научным направлением. Статья посвящена обзору анализа, восприятия и понимания некоторых теоретических концепций изучения имен собственных, методов трактовки культурных, семиотических и социолингвистических аспектов осуществленных исследований.

Ключевые слова: прагматическое литературоведение, имена собственные, прагматика имен, прагматика значений, прагматика и семиотика..

Review of some theoretical concepts for studying the pragmatics of proper names in modern literary criticism. The study of the poetics and pragmatics of proper names in a work of art is a complex work, and at the same time a multifaceted and new scientific direction. The article is devoted to a review of the analysis, perception and understanding of some theoretical concepts in the study of proper names, methods of interpreting the cultural, semiotic and sociolinguistic aspects of the research carried out.

Key words: pragmatic literary criticism, proper names, pragmatics of names, pragmatics of meanings, pragmatics and semiotics.

Атоқли отлар ўзининг доимий истъемоли сабабли ўрганишга айланиб, оддий лисоний бирлик кўринса-да, амалда бадий адабиёт матнида ўта жиддий вазифаларни бажаради. Улар ўзларида персонажлар номидан тортиб, яшаш жойи, миллати, маданияти ва бошқа кўплаб моҳиятан аниқ ҳамда асарнинг умумий мазмуни ва бадий эстетикасига таъсир кўрсатувчи хоссаларга эга бўладики, бевосита мулоқот жараёнида ўқувчи эътиборини жамлаш, маълум



бир муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш орқали, прагматик жиҳатдан асар аҳамиятининг ошишига хизмат қилади.

Атоқли отлар маданий ахборот ва маълумотларни ўзида мўъжассамлаши билан бир қаторда, персонажларни ўзлигини, муайян ижтимоий гуруҳга ёки ҳамжамиятга мансублигини кўрсатиб беради. Биз жаҳон адабиёти дурдоналарига ёки миллий адабиётимизнинг мумтоз намуналарига эътибор қаратсак, кўп ва муносиб мисолларга дуч келамиз. Масалан, Шекспир яратган машҳур Ҳамлет-Гамлет шу номдаги трагедияда нафақат шунчаки персонаж исми, балки муаллиф унинг табиати ва тақдирининг мураккаб жиҳатларини акс эттириб, прагматик жиҳатдан умумбашарий тип даражасига кўтарилишига олиб келади ва қизиқарли тадқиқ объектга айлантиради. Бу жиҳатдан исмлар адабиётда муҳим семиотик унсурлар ҳисобланади. Оқибатда муаллифларга ва китобхонларга бадиий матн билан қатор сатҳларда муомалага киришиш имконини беради, яъни прагматик мазмун касб этади. Исм персонажнинг табиати билан бир қаторда унинг ўтмиши ва хатто келажagini акс эттириши мумкин. Масалан, Артур Конан Дойлнинг асарларида Холмс исми тергов ва мантқиқ билан алоқадор бўлиб, китобхонга персонаждан келажакда маълум фазилатларни намоёниш этишини кутиш имконини беради.

Атоқли отлар, албатта маданий контекст билан алоқадор бўлади. Уларнинг аҳамияти маданий меъёрлар ҳамда қадриятларга боғлиқ тарзда ўзгариши мумкин. Масалан Мигель де Сервантес яратган Дон Кихот номи рицарлик даврининг қахрамонлик идеалларига алоқадор, бироқ унинг талқинлари турли маданий контекстларда турлича бўлиши мумкин. Худди шундай мисолларни ўзбек мумтоз адабиётидан ҳам келтиришимиз мумкин. Масалан, Абдулла Қодирий яратган Обид кетмон ўз даври учун коллективлаштиришни тарғибот қилувчи ўзига хос образ сифатида яратилган, бугунги кунда у меҳнатни ва инсон иродасини улуғловчи образ сифатида прагматик маъно кашф қилади. Шу ўринда наманганлик олимларнинг мавзуимизга даҳлдор бир мақолада кузатилган мисолларига мурожаат этсак: “Анал Ҳақ”ни маъносини билмас нодон, Доно керак, бу йўлларда поки мардон . . . (Аҳмад Яссавий). Лисоний бирликларнинг синтактика ва семантикаси бу бирликларнинг тўлиқ тавсифи учун камлик қилади. Синтактика ва семантикага прагматика қўшилгандагина, улар ўзининг ҳақиқий талқинини топади.(1) Мансур Ҳаллож инсоннинг илоҳийлигини шарафлаб “Анал Ҳақ” – “Мен Худоман” дегани учун мусулмон



хукмдорлари томонидан шаккокликда айбланиб қатл этилгани маълум. Мансур Ҳалложнинг фикрини фақатгина унинг маслагидан хабардор ўзи каби тасаввуф вакиллари тушунишади.(2) Яъни улар жумла қўлланилаётган ижтимоий ҳолатдан хабардор”.(3)

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мазкур мақола муаллифини тадқиқотларининг ўрганиш объектларидан бўлган улуғ рус ёзувчиси И.С.Тургеневнинг ҳам ўз асарларида атоқли отлардан фаол фойдаланганлигини, уларни асари сарлавҳасига ҳам қўйганлигини яхши биламиз. Ёзувчининг “Оталар ва болалар” романини бош қахрамони исми-фамилияси Базаров бўлиб янги авлод ва унинг миллий анъаналарга муносабати маъносининг рамзига айланади. Бу асарнинг умумий бадиий мантикидан ҳамда китобхоннинг мутолаа давомида оладиган прагматик таъсиридан маълум бўлади. Ёзувчи асарлари поэтикаси ҳамда уларда учрайдиган исмлар прагматикасини ўрганиш бизга унинг бадиий мероси ва уларга хос ижтимоий қарашларни чуқурроқ англаш имконини беради. Уларни жаҳон мумтоз адабиётида учрайдиган исмлар ҳамда ўзбек тилидаги таржималари билан киёсий ўрганиш умумий тамойилларни ҳамда бадиий матннинг ноёб хусусиятларни аниқлашга ёрдамлашади.

Бадиий адабиётда исмлар поэтикаси ва прагматикасини ўрганиш сермашаққат меҳнат бўлиб, серқирра тадқиқот объекти ҳисобланади. Улар муаллиф бадиий ғоясини бойитади, рамзлар, образлар, маданий контекстлар билан тўлдиради. Бу нарсалар инобатга олиган ҳолда амалга ширилган тадқиқот матнларни батафсилроқ тушунишга, талқин қилишга, уларнинг маданий, семиотик ҳамда социолингвистик аспектларини англашга кўмаклашади. Бу мавзу жаҳон адабиётшунослиги, жумладан ўзбек адабиётшунослиги учун ҳам долзарб ва кизиқарли бўлиб, янги илмий башоратларга чорламоқда.

Антропонимика – қадимий юнонча *онума*-исм, нарсанинг оти маъноларини англаиб, ономастиканинг бир бўлими ҳисобланади ва атоқли отларнинг келиб чиқиши, ўзгариши, ҳудудий тарқалиши, ижтимоий вазифаси ва бошқаларни ўрганади.(4)

Ономастика фанининг алоҳида бўлими сифатида XX асрнинг 60-70 йилларида ажрадиб чиққан антропонимика инсоннинг атоқли оти етказиши мумкин бўлган турли ахборотни ўрганади: инсоний фазилатлар тавсифини, шахснинг отаси, оиласи, қавми-уруғи билан алоқасини, миллати, машғулоти тури, қайси



махаллий ижтимоий қатламга мансублиги тўғрисидаги маълумотларни талқин қилади. “Антропоним, яъни инсоннинг исми-шарифи шахсий номини, шарифини, фамилиясини, лақабини, тахаллусини ва бошқаларни англариб, ўзининг эгаси рамзига айланади.”(5) Исталган атоқли от эътиборга молик ахборотга эга бўлади.” Индивидни номлаши билан у бир вақтнинг ўзида унинг оиласи, уруғи, миллий маданияти тўғрисида хабар беради. Бундан ташқари, исмлар фалсафасига кўра, “ҳар қандай исм объект моҳияти ҳисобланади. Исм орқали шахс типи, унинг онтологик тузилиши ифодаланади”.(6)

Хаётда исм инсонни индивидуаллаштириш, уни ҳамжамиятда алоҳида ажратиб кўрсатиш учун муҳим. Исм-номнинг асосий вазифаси – ўз эгасини ўзига ўхшаганлар оммасидан ажратиб кўрсатишдан, унинг алоҳида, такрорланмас эканлигини акс эттиришдан иборат. Бундан маълум бўладики, қандайдир алоҳида лисоний белги бўлиш билан бирга, исмлар инсонларнинг ноёб ҳислатларини ҳам акс эттирадиган кўшимча семантик майдонга ва семиотик хусусиятга эга бўлади. Агар хаётда исм номинатив ва ният қилинган (масалан, ота-оналар фарзандига исм танлашганларида унда меҳрибонлик, Яратганга итоат, умри узун бўлишлик қабилар билан бирга, лисоний тумор қаби уни ўлимдан, касалликдан ва бошқа ёмон нарсалардан асрашини ишташади) мақсадли вазифаларни бажарса, исм-отларнинг бадиий адабиётдаги вазифалари тубдан фарқланади. Адабий қахрамон реал инсондан фарқли ўларок, ёзувчи истаган белгиларни ўзида жамлаган, мўъжассам қилган шахс моделидир. Агар реал инсон ўз исмига маълум маънода эркин, ихтиёран эришса, адабий қахрамонга берилган атоқли от бутунлай бошқача мақсадда берилади. Нарсаларнинг табиати, уларнинг моҳиятидан келиб чиқиб номини белгилайди. Демак, муаллиф персонажнинг исмини ўйлаб топмаган ҳолда ҳам, уни қандайдир унутилган манбадан узлаштирган бўлса ҳам, бу танлов ҳеч қачон тасодифан содир бўлмайди.

Бадиий адабиёт материали асосида атоқли отларни-исмларни ўрганиш тилшуносларни ҳам, адабиётшуносларни ҳам қизиқтириб келган. Агар тилшуносларни исмларнинг семантик-стилистик имкониятларини ўрганиш асосан қизиқтирган бўлса, адабиётшунослар атоқли отларнинг бадиий адабиёт намуналарида мазмун нуқтаи назаридан бажарадиган вазифаларини чуқурроқ тушуниш банд қилган. Мазкур мақоламиз нуқтаи назаридан эса, исмларнинг бадиий матндаги прагматик жиҳати, китобхон-бадиий матн аспектида, уларнинг



мулоқот жараёни ўзаро таъсирини ўрганиш, юқорида таъкидланганидек, муҳим, тадқиқ этилишни тақозо этувчи вазифа бўлиб қолади.

АДАБИЁТЛАР:

Nurmonov A., Tanlangan asarlar, I, III jildlar. – T.: Akademnashr, 2012. 3. Naqqulov I., Sheziyatqulov I., Sheziyat. – T.: Gafurov G‘ulom, 1989. – 283 G‘ulom, 1989.-12 c.

4. Ушакова Д. Н, Даля В. И. Большой энциклопедический словарь. М., 2000. С. 37.
Рахмонов У., Муҳаммаджонов Н. Адабиёт ва прагматика. -НамДУ илмий ахборотномаси, 2019 йил 5-сон.-31-35 с.

5. Подольская Н. Е. Антропонимика. Лингвистический энциклопедический словарь. М.,1990. С. 36-37.

6. Священник Павел Флоренский. Имена. М., 1993. С. 70